

Объект номи: “Фориш тумани Оқтом МФЙ ҳудудига 2 дона сув иншооти ва 6 км сув тармоғи тортиш” объектини лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш чикиш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) –99 567 000 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати – 35 кун.

Буюртмачи: Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси

Жойлашган манзили-Жиззах шаҳар Кимёгар МФЙ Тўқимачилар кўчаси -уй,

телефон- 72-222-82-41


Молиялаштириш манбаси: Давлат бюджети.

Тендер иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, лицензияга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва етарли тажрибага эга бўлишлари шарт.

- ◆ Тасдиқланган тендер ҳужжатлари билан танишиш учун буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали www.etender.uzex.uz дан юклаб олиш мумкин;
- ◆ Иштирокчи тендер ҳужжатларини махсус ахборот порталида эълон қилинган кундан бошлаб, қабул қилишни охири муддатигача электрон шаклда топширишлари мумкин.
- ◆ www.etender.uzex.uz махсус порталига электрон тарзда юкланган таклиф (оферталар) комиссия томонидан кўриб чиқилади.
- ◆ Тендерда таклиф этилган шартлар бўйича мулкчилик шаклидан қатъий назар, маҳаллий ва хорижий ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.
- ◆ Тендерда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:
- ◆ фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;
- ◆ Тегишли лицензияларга эга бўлиши;
- ◆ доимий ходимлари, жумладан техник-муҳандис ходимларига эга бўлиши;
- ◆ ишлаб турган асосий воситалари, жумладан, тендер предметида кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун етарли офис техникалари, лойиҳалаштириш учун тегишли электрон дастурларга эга бўлиши;
- ◆ Молиявий ҳолати:
- ◆ **Тендер предметиға ўхшаш объектларда ишлаганлиги бўйича етарли тажрибаси мавжудлиги;**
- ◆ бажарилган ишлар, жумладан ўз кучи билан аввал бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;
- ◆ устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.
- ◆ **Қуйидаги Тендер иштирокчиларига Тендер жараёниларида иштирок этишга рухсат берилмайди:**
- ◆ қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- ◆ мол-мулки мусодарага олинганлар, солиқдан қарзи мавжудлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;
- ◆ Буюртмачилар билан судлашув ёки низо жараёнида бўлган ташкилотлар.
- ◆ Тендер таклифини тайёрлаш тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар ва кўрсатмалар тендер иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.
- ◆ Тендер иштирокчилари танишиб чиқиш ва тендер таклифини тузиш мақсадида, тендер предметининг лойиҳа ҳужжатлари хусусан ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш топшириғини тақдим этилиши ҳақида буюртмачига мурожаат қилишга ҳақли.

- ◆ Таклифларни топшириш Тендер иштирокчисининг Тендер ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.
- ◆ Оферталарни кўриб чиқиш электрон тизим орқали амалга оширилади.

**“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши
бўйича инжиниринг Компанияси” УК Жиззах вилояти
худудий бошқармаси бош муҳандиси:**


У.Сакиев

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Сув таъминоти ва оқава сув
объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг Компанияси” УК Жиззах
вилояти ҳудудий бошқармаси бош
муҳандиси, танлов комиссияси раиси.



У.Сакиев

2022 йил

ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - Тендер ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, Тендер ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича Тендер ўтказилишини эълон қилади.

1.2. Тендернинг тури – очик Тендер, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар Тендер ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4 Лойиха ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари. Қурилиш материаллари, ёқилғи, жихозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутати.

1.5 Тендер ҳужжатлари элэрон тарзда берилган ҳужжатлар аосида ишлаб чиқилади. Бунда пудратчи ўзининг таклифида экспертиза ижобий хулосасини ўз хисобидан олиб беришини хисобга олиши лозим.

II. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу тендер ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва бошқа қонуности, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талаблари доирасида ишлаб чиқилган. Умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм Тендер иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур Йўриқноманинг, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

2-шакл. Тендер иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

3-шакл. Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

4-шакл. Тендер предметиға ўхшаш объектларда етарли иш тажрибаси.

5-шакл. Тендер иштирокчисининг ишларни бажаришда офис оргтехникасининг рўйхати.

6-шакл. Тендер иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

7-шакл. Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. техник қисм:

- ишчи лойихани ишлаб чиқиш топшириғи

Изоҳ: лойиханинг хусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.

- Молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойихасидан иборат.

III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур лойиха ишлари бўйича Тендерда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат этган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар Тендер иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Тендер иштирокчиси Тендерда иштирок этиш учун Тендер ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур Йўриқноманинг VII-боби талабларига биноан Тендер таклифини тақдим этиши зарур.

3.3. Тендер иштирокчиси ўзининг Тендер таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак.

Бунда буюртмачи, Тендер комиссияси Тендер натижаларидан қатъий назар, мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Тендер иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) Тендер ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи Тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин Тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу Тендерда таклифлар бериш тугайдиган муддат Тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида Тендер иштирокчиси ёзма равишда Тендер ташкилотчисига Тендер ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Тендер иштирокчилари учун хабарнома тузишдан аввал оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироз учун асос бўла олмайди.

V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Тендер иштирокчилари Тендер ва лойиха олди ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, Тендер иштирокчилари Тендер предметининг лойиха олди ҳужжатларини буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилган ҳужжатлар орқали ўрганади.

Шунингдек, буюртмачи лойиха олди ҳужжатларини (чизмаларнинг асли нусхаси ёки электрон варианты)ни Тендер иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

5.2. Тендер иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини бориб кўришлари, АРТ ва техник топшириқларни жойнинг ўзида ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш Тендер иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа

шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

VI. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Тендер иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, Тендерга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, Тендер иштирокчилари билан буюртмачи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Тендер иштирокчиси томонидан тайёрланган Тендер таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Тендер иштирокчиси Тендер таклифини мазкур Тендер ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва Тендер ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, Тендер иштирокчиси Тендер таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Тендер иштирокчиси ўз Тендер таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Тендер таклифлари, электрон нусхада ва тендер ҳужжати талаблари асосида шакллантирилган бўлиши керак.

7.2. Топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар таркиби:

7.2.1. Иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдорини тизимнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва миқдори ТАЖда кўрсатилади.

7.2.2. Тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони иштирокчи томонидан мустақил кўрсатилади.

7.2.3. Тендер иштирокчиси охириги 3 йилдаги молиявий кўрсаткичлари. (2-шакл). Шаклни тўлдиришда ўз фаолияти давридаги молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар киритилиши лозим. Шаклга иштирокчи аудитор компаниясининг ҳулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилиниши мумкин.

7.2.4. Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (3-шакл). Шакл ташкилотнинг тегишли ҳисобот даври асосида тўлдирилиб, тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади. Агар ТАЖда бошқача талаблар кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

7.2.5. Тендер предметига ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (4-шакл). Ушбу жадвалда Тендер иштирокчиси Тендер предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак.

7.2.6. Тендер иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган офис оргтехникаси, компьютер дастурларининг рўйхати (5-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара асосидаги офис техникаларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда Тендер иштирокчиси лойиҳа-смета ишларини бажариш даврида ҳақиқий бўлган ижара шартномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.7. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий лойиҳа ишлари шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл).

7.2.8. Иштирокчининг тендер ўтказилаётган даврдаги жорий лойиҳа шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (6-шакл)

7.2.9. Курилиш майдони кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома. (7-шакл)

7.2.10. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.11. Лицензиялар ёки рухсатномаларнинг нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖДа кўрсатилган.

7.2.12. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга Тендер иштирокчиси ТАЖДа кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

7.3. Тендерда қатнашиш буюртмаси таъминотини қуйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.3.1. Тендер ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.3.2. Бошқа иштирокчиларга - Тендер ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.3.3. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.4. Буюртма таъминотини қайтариш, тизим томонидан автоматик тарзда қайтарилади.

7.5. Тендерда иштирок этишга буюртма таъминоти қуйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.5.1. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, тендер таклифининг амал қилиш муддати ва 7.3.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган оферентга;

7.5.2. Тендер ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда ёки Тендер ҳужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака Тендери орқали Тендер ўтказилганда биринчи йигма жилд ҳужжатлари малакавий ҳужжатлар деб, иккинчи йигма жилд ҳужжатлари эса Тендер таклифи деб ҳисобланади.

VIII. ТЕНДЕР ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар Тендер иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Тендер иштирокчиси таклифининг умумий нарҳини аниқлашда оралиқ суммалар жамланади. Тендер иштирокчилар ишларни Тендерда иштирок этаётганда ишларнинг таклиф этилаётган қийматини, ишларнинг шартномавий баҳолардаги тўғридан-тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак.

8.2. Тендер иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.3. Сўз билан ёзилган нарх ва рақам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.4. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.5. Тендерда белгиланган ишларнинг нарҳи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буюртмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири) бундан мустасно.

IX. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНING АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Тендер таклифининг амал қилиш даври ҳужжатлар топширилгандан сўнг 12 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖДа бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Тендер иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг электрон жойлаштириш керак.

10.2. Таклифнинг ҳужжатлари, барча шакиллари электрон вариантда ҳар бир бети Тендер иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзоланган ва Тендер иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. “Тендер иштирокчиларига хабарнома”га мувофиқ зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари Тендер таклифи остига ўз имзосини қўйган шахс томонидан тасдиқланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Тендер ташкилотчиси хабарномасига мувофиқ киритилган ёки Тендер иштирокчиси йўл қўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно.

Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдиқланган бўлиши керак.

10.5. Тендер комиссияси ҳар қандай ўзгартиришлар, четга чиқишлар ёки муқобил таклифларни қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Тендер ҳужжатлари талабларини оширувчи ўзгартиришлар, четга чиқишлар, муқобил таклифлар ва бошқа омиллар Тендер таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

XI. ТЕНДЕР ТАКЛИФИНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ

11.1. Таклиф берилганидан сўнг, Тендер иштирокчиси Тендер таклифига ўзгартиришлар киритиши мумкин эмас.

11.2. Таклифлар бериш муддати тугагандан сўнг таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

XII. ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ

12.1. Тендер таклифлари қабул қилиш муддати тугагандан сўнг, комиссия томонидан кўриб чиқилади.

XIII. ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШ (ТЕХНИК БАҲОЛАШ)

13.1. Тендер иштирокчисини талаб қилинадиган малакага мос келишини ҳал этиш учун тўлдирилган шакллар ва уларга илова қилинган, унинг таклифида тақдим этилган тасдиқловчи ҳужжатлар ўрганилади.

13.2. Тендер иштирокчилари таклифларини баҳолаш уларни техник жиҳатдан амалга ошириш юзасидан ТАЖда кўрсатилган Тендер таклифларини баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади.

13.3. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, баҳолаш варағи қуйидаги шаклда тўлдирилади:

XIV. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КўРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТЕНДЕР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

14.1. Тендер таклифларини техник қисми тендер комиссияси томонидан баҳолангандан сўнг техник қисм натижаларини инобатга олган ҳолда тизим орқали автоматик тарзда ғолиб аниқланади.

14.2. Агар Тендер комиссияси томонидан таклиф ҳужжатларининг бирортасини Тендер ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда Тендер иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан Тендердан четлатилади.

14.3. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

XV. ТЕНДЕР ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

15. Тендер ғолибини эълон қилиш электрон тарзда аниқланади ва тендер баёни электрон шакилланади.

XVI. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ

16.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича шартномани имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

16.2. Шартнома ташкилотларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, Тендер ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

16.3. Агар Тендер ғолиби мазкур Тендер ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, Тендер комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган Тендер иштирокчисини Тендер ғолиби деб топиши ёки такрорий Тендер ўтказишни тайинлаши мумкин.

16.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур Тендер ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Электрон тизим Тендерни қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини яқунланишига иккитадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида Тендер комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф Тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса:
- Тендер иштирокчилари таклиф этган нархлар Тендер предметининг бошланғич қийматидан ошиқ бўлса;
- Тендер комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда Тендер ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Тендерни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши Тендернинг бирон-бир иштирокчиси (Тендер комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, Тендер иштирокчилар) ни мулкӣ ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар Тендер бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий Тендер ўтказилади. Бунда Тендер ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

XXII. ТЕНДЕР АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим Тендер предмети бўйича ва Тендер ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси
2.	Тендер тури:	<i>Очиқ тендер</i>
3.	Тендер ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<u><i>Etender.uzex.uz</i></u>
4.	Тендерда иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдори:	Тендерда иштирок этишни таъминлаш кафолати миқдори тизимнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Тендер буюртмасининг таъминлаш кафолати миқдори объектни лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш бошланғич қийматининг 2 фонзи миқдорида
5.	Тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<u><i>Etender.uzex.uz</i></u> <i>махсус ахборот портали</i>
6.	Тендерда иштирок этишга қуйидаги ташкилотларга рухсат этилади:	<i>Мулкчилик шаклидан қатъий назар, Маҳаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари</i>
		<i>Тендерда лойиҳа ташкилотлари консорциумлар, қўшма (ушбу танлов предмети учун махсус бирлашган) корхоналар кўринишида иштирок этишига ва тижорат таклифларини тақдим этишларига рухсат берилади.</i>
7.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари:	Танлов предмети бўйича ишларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 май «Қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялаш ва аккредитация қилиш тўғрисида»ги 381-қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 сентябрдаги 410-сонли қарорига мувофиқ лицензияга эга бўлиши шарт. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш-лицензия талаб этилади, жумладан, 3-тоифадаги: Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш; Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқларива тизимларини лойиҳалаштириш; Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб

		чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш; Магистрал муҳандислик тармоқларини (магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан ташқари) лойиҳалаштириш; Топогеодезик ва геология ишларини олиб бориш учун лицензия.
8.	Тендер таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	<i>Etender.uzex.uz</i> махсус ахборот порталида белгиланади.
9.	Тендер ҳужжатининг тили:	Ўзбек тили
10.	Тендер таклифларини баҳолаш муддати:	таклифларни баҳолаш даври тендер таклифлари очилган кундан эътиборан узоғи билан 10 иш кўни ни ташкил этади
11.	Буюртмачининг объект бўйича нархи:	Оферентларнинг буюртмачи бошланғич нархига нисбатан 80 % дан кам берилган таклифлар рад этилади.
12.	Молиялаштириш манбаси:	<i>Давлат бюджети.</i>
13.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Молиялаштириш шартлари: бўнак (аванс) - Танлов натижаларига кўра жорий йил учун аниқланган ишларнинг қиймати 30 фоизи миқдорида; қолган 70 фоизи – ишчи лойиҳа Буюртмачига топширилгандан сўнг.
14.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
15.	Шартнома валютаси:	сўм.
16.	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати:	Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ваколатли органнинг маълумотномаси; Ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ, меҳнат дафтарчаси нусхаси, низом, гувоҳнома нусхаси
17	Иштирокчиларнинг техник қисмдан ўтиш бали	70 бал ва ундан юқори бал тўплаган иштирокчилар

ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМӢЙ МАЪЛУМОТЛАР

Тендер _____ иштирокчисининг _____ номи _____

Тендер иштирокчиси раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми _____

Манзили _____ ва _____ телефон _____ (факс) _____ рақами _____

Юридик _____ мақоми _____

Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйрук рақами) _____

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) _____

Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Асосий ходимлар (Лойиҳа бош муҳандиси ва бошқалар)

т/р	Ф.И.О.	маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси)	лойиҳалашда иш тажрибаси (йил)	эгаллаган лавозими	эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6
				Лойиҳа бош муҳандиси	
				Лойиҳачилар	
				Сметчилар	
				Муҳандис- техник ходимлар	
				бошқалар	

Кадрлар бўлими бошлиғи:

/имзо ва муҳр/

Тендер иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: “_____” _____ 20__ й.

Изоҳ: Тендер иштирокчисининг кейинги ----- йилдаги статистика ҳисоботларининг нусхалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади.


ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ
(Шаклга кейинги ----- йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)

(Тендер иштирокчисининг номи)							
АКТИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й	ПАССИВЛАР	20__ й	20__ й	20__ й
Узок муддатли активлар				Ўз маблағлари манбаи			
Асосий воситалар				Устав фонди			
Шундан Ишлаб чиқариш фондлари				Таксимланмаган фойда			
Қолдиқ киймат				Мажбуриятлар			
Капитал қуйилмалар				Займлар			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Жорий активлар				Шундан муддати ўтган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Шундан бюджетдан қарздорлик			
Улардан ишлаб чиқариш захиралари				Шундан иш ҳақидан қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Шундан муддати ўтган қарздорлик							
Жами баланс активи бўйича				Жами баланс пассиви бўйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

Номи	20__ й	20__ й	20__ й	Номи	20__ й	20__ й	20__ й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан асосий фаолият бўйича			
3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари				Умумхўжалик фаолият бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошқа харажатлар				10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиғи тўловига фойда				11. Зарар			
7. Даромад солиғи				шундан асосий фаолиятдан			
				умумхўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси _____



Охирги ----- йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми?

**Тендер иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

СТ ИР	Ташки лот тоифас и	Ташкилот томонидан ўтган йил (20__ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари										
		Асосий восита лар қолдик (баланс) қиймат и Ф- 1, 012- сатри	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффицие нти (1,25) =9/(10-11)	бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар			Ўз айланма маблағлари билан таъминланган лик коэффициент и (0,20) =(13+14+15- 16)/17	бухгалтерия баланси (Ф- 1) бўйича кўрсаткичлар				
				390 - сат р	770 - сат р	490 - сат р		480 - сат р	570 - сат р	580 - сат р	130 - сат р	390 - сат р
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

Қоплаш коэффициентини (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$K_{пл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}, \text{ бунда:}$$

A2 - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

П2 - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

ДО - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ос} = \frac{(П1 + Дзк2) - A1}{A2}, \text{ бунда:}$$

A1 - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

П1 - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

Дзк2 - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг қанча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар _____

Бош ҳисобчи _____

муҳр

Сана: « ____ » _____ 20__ й.

Изоҳ: Тендер иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясининг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.



**ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИНИНГ ИШ ҲАҚИ ЖАМҒАРМАСИ ВА ҲОДИМЛАР
ЎРТАЧА СОНИ БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Давр	СТИР	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни реализациясидан соф тушум (Ф-2, 010-сатри), минг сўмда	Иш ҳақи жамғармаси, минг сўмда	Ходимларнинг ўртача сони (ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи ҳисобланган ходим сонидан келиб чиқиб)
1	2	3	4	5
X		X	X	X
Ўтган йил (20__ йил) якуни бўйича	X			
Жорий йил (20__ йил) охирги ҳисобот даври бўйича	X			
Жами	X			

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

шаҳар (туман) давлат солиқ инспекцияси
камерал назорат бўлими бошлиғи



**ТЕНДЕРДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА
ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ**

(Тендер иштирокчисининг номи)

т/р	Объект номи, шартнома суммаси, ишларнинг бошланиш ва яқунланиш санаси	Буюртмачи номи	Бажарилган ишлар суммаси	Шундан йиллар бўйича		
				20__ й.	20__ й.	20__ й.
	Жами:					

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

Тасдиқланган: _____
(бош ҳисобчи имзоси)

Изоҳ: Маълумотлар Тендер иштирокчиси томонидан шартнома ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.



**ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН
ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИНИНГ ОРГТЕХНИКА, ИШЛАРГА ОИД
КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИНГ
РЎЙХАТИ**

Т/р	Номи	Маркаси	Сони	Ишлаб чиқарилган йили	Қуввати	Техник ҳолати	Балансида ёки ижарада
1	2	3	4	5	6	7	8
ОФИС ТЕХНИКАЛАРИ							
1							
2							
3							
4							
5							
6							
	Ҳаммаси						

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

Изоҳлар:

1. 8 устунга офис техникасининг Тендер иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.
2. Ижарага оргтехника олинганда ижара шарноманинг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).

**ТЕНДЕР ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖОРИЙ ДАВРДАГИ БОШҚА
(ЛОЙИХА ШАРТНОМАЛАРИ) ОБЪЕКТЛАРИ**

т/р	Буюртмачи номи	Объект номи	Шартнома бўйича бажарилган ишлар суммаси	Шартнома суммаси, бошланиш ва яқунланиш санаси	Мавжуд офис ва оргтехника номлари	Тендернинг предмети – лойиҳани бажариш вақтида бошқа объектларга жалб этилган оргтехника сони – (ойлар бўйича)			
						7	8	9	10
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _____

Тузилган санаси: “ _____ ” _____ 20__ й.

Изоҳлар:

1. Бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилиши шарт.
2. Объектда бажарилиши лозим бўлган лойиҳалаштириши ишлари учун келгусида жалб этиладиган **оргтехника** сони кўрсатилади.



ҚУРИЛИШ МАЙДОНЧАСИНИ КЎЗДАН КЕЧИРГАНЛИК ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТНОМА

Ушбу

билан

тасдиқланадики,

Мен

(Ф.И.О, лавозими)

томонидан 20__йил

да берилган ишончномага асосан қуйидагиларни батафсил ўргандим:

а) тендер ҳужжатларини

б) лойиха олди ҳужжатларини

Мазкур ишларни сифатли, тўла ўз вақтида бажарилишига келгусидаги ишларнинг қийматига, ҳажмларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли шароитлар ва бошқа ҳолатлар ҳамда лойихалаш майдони билан танишдим. Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўз тақлифимизда ҳисобга олинган.

Изоҳ: ушбу шаклда объектни ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, лойихалаш йўллари, муҳандислик тармоқларининг мавжудлиги, мавжуд бино иншоотлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа масалалар лойихалаш бош режаси кўринишида тақдим этилади.

Қатнашчининг ваколатли вакили:

(Ф.И.О)

(имзо)

Ташкilot раҳбарининг имзоси:

Тузилган санаси: “__” __ 202__йил

Изоҳ: Қурилиш майдонида ўрганганлик ҳужжатларида, ходимнинг жойига чиққанлиги, ҳудудни ўрганганлиги тўғрисида фото лавҳа илова қилиниши шарт.

Баҳолаш меъзонлари

Т/р	Шаклларни баҳолаш параметрининг номи.	Баллар миқдори	Оферентлар		
I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.1-шакл (19 балл)					
1.	Иш стажи етарли бўлган, олий маълумотли мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 2 киши мавжудлиги.	6			
2.	5 йил иш стажига эга 6 кишидан кам бўлмаган дипломга эга ходимларни мавжудлиги.	4			
3.	Ходимларнинг йиллик ўртача сони 10-30 (ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охириги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан текширилади)	5			
4.	Дипломли 3 йил иш стажига эга инженер техник мавжудлиги.	4			
II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот. 2,3– шакллар. (34 балл) *					
1	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 500 млн. сўм ва ундан кўп	7			
2.	Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги	3			
3.	Ўтган йилда 100 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги	9			
4.	Иш ҳақи жамғармаси камида 150 млн. сўм	7			
5.	Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффиценти 1.25 ва ундан кўп	5			
6.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти 0.2 ва ундан кўп	3			
III. Энг яхши таклифларни танлаш даги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси*. 4 - шакл (31 балл)					
1.	Энг яхши таклифларни танлаш дга ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариши йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 20 % ва ундан кўп хар бир йили 7 балл билан баҳоланади)	21			
2.	Энг яхши таклифларни танлаш объектига ўхшаш профил бўйича охириги 3 йилда ўз кучи билан 5 тадан кам бўлмаган пудрат ишлари олиб борганлиги.	10			
IV. Инвентарлар, оргтехника рўйхати, шартномалар бўйича 5 - шакл (10 балл)					
1.	Қурилишни бажариш учун Машина механизм, инвентарлар ва оргтехника рўйхати: 5 та гача – 1 балл 10 та гача – 3 балл 15 та гача – 4 балл 20 та гача – 5 балл ва х.к	5			

2	Жорий даврдаги бошқа пудрат шартномалари объектлари (тақдим этилган хужжатга асосан баҳоланади)	5			
V. Қурилиш майдони кўрганлик ва лойиха хужжатларини ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 7-шакл.(6-балл)					
1.	Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқганлиги (жойни ўрганганлик ҳақидаги ҳисобот, қурилиш материаллари манбаи ҳақидаги ҳисобот, харита, фото суратлар билан тақдим этилиши шарт)	6			

Баҳолаш мезони комиссия раиси томонидан қўшимча ва ўзгариштириш киритилиши мумкин.



ТЕНДЕР ХУЖЖАТЛАРИНИНГ ТИЖОРАТ ҚИСМИ

I. БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

1.1. Буюртмачининг бошланғич нархи Тендер Ахборот Жадвалида (ТАЖ) да кўрсатилган.

II. БУЮРТМАЧИ БЕЛГИЛАГАН ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУДДАТИ

2.1. Лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича барча ишлар ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмасдан якунланиши керак.

III. МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАИ

3.1. Объектни молиялаштириш ТАЖда кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

IV. МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Молиялаштириш шартлари (агар ТАЖда бошқа ҳолат айтилмаган бўлса):
бўнак (аванс) – Тендер натижаларига кўра аниқланган, лойиҳа ташкилоти жорий йилидаги ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида;

жорий молиялаштириш ажратилган бўнак, пропорционал ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 70 фоизи миқдорида;

4.2. Кейинги йилга ўтадиган объектлар бўйича Тендер ўтказилганда, буюртмачи томонидан жорий йилда ТАЖда кўрсатилган миқдорда маблағ ажратиш кўзда тутилган.

4.3. Тўловлар Буюртмачи томонидан шартнома талабларига биноан амалга оширилади.

4.4. Ишларни бажариш бўйича шартномаси қуйидаги тартибот хужжатларига жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига.

V. ШАРТНОМА ВАЛЮТА ТУРИ

5.1. Агар ТАЖда бошқача кўзда тутилмаган бўлса, шартномасининг валюта тури – ўзбек сўмида.